


«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Фарғона вилояти божхона
бошқармаси бошлиғи ўринбосари,
божхона хизмати подполковниги
И.Ибрагимов

«22» 07 2022 й.


Тошкент вилояти Юкори Чирчиқ туманидаги карантин мажмуасидан 23 дона
контейнерларни Фарғона вилояти божхона бошқармаси ва божхона постларига
ташиш ва юклаш хизматлари бўйича

ТЕХНИК ШАРТ


Моддий-техника таъминоти бўлими
бошлиғи


_____ Н.Ахмадалиев
«21» 07 2022 й.


Ахборот коммуникация
технологиялари ва киберхавфсизликни
таъминлаш бўлими бошлиғи


_____ С.Аминов
«21» 07 2022 й.


Молия-иқтисодиёт бўлими бошлиғи


_____ Х.Усмонов
«21» 07 2022 й.

Шахсий хавфсизлик бўлими бошлиғи


_____ О.Қодиров
«21» 07 2022 й.

Божхона назорати ва
расмийлаштирувини ташкил этиш
бўлими бошлиғи


_____ Ш.Худоёров
«21» 07 2022 й.

Тошкент вилояти Юкори Чирчиқ туманидаги карантин мажмуасидан 23 дона контейнерларни Фарғона вилояти божхона бошқармаси ва божхона постларига ташиш ва юклаш хизматлари бўйича ТЕХНИК ШАРТЛАРИ

1.Ташкилот номи ва реквизитлари:

Фарғона вилояти божхона бошқармаси, ИНН: 201877714, ОКОНХ: 97200, МФО: 00401
 “Алоқа банк” Тошкент ш. филиали, Х/Р: 20203000900194070006, Манзил: Фарғона шаҳар,
 Ал-Фарғоний кўчаси 52а-уй

2.Товар (иш, хизмат) тавсифи:

Тошкент вилояти Юкори Чирчиқ туманидаги карантин мажмуасидан Фарғона вилояти божхона бошқармасига беғараз ажратилаётган жами 23 дона 10 дона 20 футлик (6 метр) ва 13 дона 40 футлик (12 метр) контейнерларни бошқарма ва божхона постларига ташиб бериш ва юклаб, тушириб бериш. 10 дона 20 футлик (6 метр) узунлиги 6.06 метр, эни 2.44 метр, баландлиги 2.3 метр бўлган контейнерлар. 13 дона 40 футлик (12 метр) узунлиги 12,039 метр, эни 2.35 метр, баландлиги 2.372 метр бўлган контейнерлар. Жами 23 дона

3. Контейнерларни ташиш бўйича ҳисоб китоблари

№	Олиб келиш манзили	Етказиб бериш манзили	Етказиб бериладиган жой номи	20 футлик (6 метр) контейнер дона	40 футлик (12 метр) контейнер дона	Юклаб бериш ха/йўқ (кран)	Тушириб бериш ха/йўқ (кран)
1	Тошкент вилояти Юкори Чирчиқ тумани карантин мажмуаси	Фарғона тумани, Водий ҚФЙ	“Фарғона” чегара божхона пости	1		ха	ха
2	Тошкент вилояти Юкори Чирчиқ тумани карантин мажмуаси	Фарғона тумани, Шохимардон кишлоғи	Дам олиш маскани	1	4	ха	ха
3	Тошкент вилояти Юкори Чирчиқ тумани карантин мажмуаси	Риштон тумани	“Риштон” чегара божхона пости	1	2	ха	ха
4	Тошкент вилояти Юкори Чирчиқ тумани карантин мажмуаси	Қувасой шаҳар, Носирабод МФЙ	“Ўзбекистон” чегара божхона пости	1		ха	ха
5	Тошкент вилояти Юкори Чирчиқ тумани карантин мажмуаси	Сўх тумани	“Чашма”, “Шарқобод”, “Тул” божхона пунктлари		4	ха	ха
6	Тошкент вилояти Юкори Чирчиқ тумани карантин мажмуаси	Фарғона шаҳар, Ёшлик МФЙ	Фарғона вилояти божхона бошқармасига	1		ха	ха

7	Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани карантин мажмуаси	Фарғона шаҳар, Беш бола МФЙ	“Водий” ТИФ божхона постиға	5	3	ха	ха
	Жами			10	13		
	Умумий жами			23			

4. Товар (иш, хизмат) қўйиладиган талаб :

Контейнерлар ташишга мўлжалланган юк автотранспорт воситаларида ташиб берилади. Олиб келиш ва етказиб бериш манзилларида кран ёрдамида юклаш ҳамда кран ёрдамида туширилади. Жами 23 дона контейнерларни Тошкент вилояти Юқори чирчиқ тумани карантин мажмуасидан юклаб бериш Фарғона тумани, Риштон тумани, шохимардон қишлоғи, Қувасой шаҳар, Сўх тумани, Фарғона шаҳардаги кўрсатиб ўтилган манзилларга еткиб бериш ва тушириб бериш.

5. Етказиб бериш шартлари:

Контейнерлар еткиб бериш жойларига қадар уст ва ички қисмларида жойлашган товар моддий бойликлари билан бирга бут холда етказиб берилиши шарт. Етказиб бериш пунктларида кўрсатиб ўтиладиган жойларга контейнерлар тушириб берилиши ва комиссия томонидан соз ва бут ҳолатда келтирилганиги текшириб чиқилгандан сўнг тўловлар амалга оширилади. Ташиш давомида етказилган барча зарарлар ташиш хизматини амалга ошираётган ташкилот зиммасига юклатилади. Айрим контейнерларнинг етказиб берилиши Қирғизистон Республикаси ҳудуди орқали ўтиши ҳисобга олиниши шарт.

6. Ҳисоб китоб шакли, шарти, муддати:

- белгиланган жойга етказиб бериш муддати 5 иш куни, шартнома қийматининг 30 % олдиндан тўлов амалга оширилгач, товар (иш,хизмат) етказиб берилгандан сўнг 70% маблағлар ўтказиб берилади. Ҳисоб китоблар ҳисоб рақамларга маблағ ўтказиб бериш орқали амалга оширилади)

7. Валюта тури:

Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси Сўмда амалга оширилади.

8. Тили:

Ўзбек ва Рус тилларида ҳужжатлар қабул қилинади.

9. Манбаси:

Махсус жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

10. Нархи:

Дастлабки ҳисоб китобларга асосан 198 600 000 сўм

11. Маъсул ходим лавозими, исми ва тел рақам:

Бўлим бошлиғи, Н.Ахмадалиев, тел: 73-249-07-13

12. Таклифларни расмийлаштириш учун талаблар:

- Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

- Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

- Низом маблағи миқдори.

- Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

- Қўйдаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

- мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

- Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

13. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана:

Ҳужжатлар электрон равишда Давлат харидлари порталининг <https://etender.uzex.uz/> сайтида эълон қилингандан сўнг бир ҳафта муддат ичида қабул қилинади.

14. Махсус талаблар:

Иштирокчилар томонидан Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурий.

